

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ  
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ  
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Темиров Шерзод Акбар ўғли*

*ИИВ Академияси 207-гуруҳ курсанти*

*Илмий раҳбар – подполковник:*

**Шоумаров Зиёвиддин Шамсиддинович**

*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси*

*катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены особенности работы инспекторов профилактики в совершенствовании организации специальной профилактики преступлений, ее организация, специальные профилактические мероприятия, назначение специальных профилактических мероприятий, мнения ученых в развитии общества, опыт зарубежных стран. в организации специальной профилактики, эффективности профилактической работы, специальных мероприятий. Представлена концепция развития специальной профилактики преступлений и изменений в нашей стране исходя из сложившейся ситуации, проводимой работы на основе передового зарубежного опыта и положительных результатов ожидается от него.

**Ключевые слова:** Профилактика преступности, криминогенная обстановка, современные информационно-коммуникационные технологии, публичное пространство, средства видеонаблюдения, специальные мероприятия.

**Annotation:** In this article, the special features of prevention inspectors in improving the organization of special prevention of crimes, its organization, special preventive measures, the purpose of special preventive measures, the opinions of scientists in the development of society, the experience of foreign countries in organizing special prevention, the effectiveness of preventive work, special measures. The concept of development of special prevention of crimes and changes in our country is presented based on the current situation, the work being done on the basis of advanced foreign experience and the positive results expected from it.

**Key words:** Crime prevention, criminogenic situation, modern information and communication technologies, public space, video surveillance devices, special events

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ташкил этишни такомиллаштириш ўзига хос хусусиятлари, ташкил этилиши, махсус

профилактик чора тадбирлар, махсус профилактик чора тадбирларнинг мақсади, жамиятни ривожлантиришда олимларнинг фикрлари, махсус профилактикани ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси, профилактик ишларнинг самарадорлиги, махсус тадбирларнинг бугунги ҳолати, илғор хориж тажрибаси асосида қилинаётган ишлар ва бундан кутилаётган ижобий натижалар юзасидан мамлакатимиздаги ўзгаришлар ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ривожлантириш концепцияси келтирилган.

**Калит сўзлар:** Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, криминоген вазият, замонавий ахборот коммуникация технологиялари, жамоат жойи, видеокузатув мосламалари, махсус тадбирлар

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, халқимизга ёт ҳолатлар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Шу боис содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига қарши курашиш эмас, балки мазкур ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифасига айланди. Бу эса, ўз навбатида, жиноятчиликка қарши курашиш, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида мавжуд бўлган муаммолар бўйича фундаментал ва амалиётга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилишини жадаллаштириш, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ишларини тизимли равишда йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг кафолатлари кучайтирилди. Аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқот йўлга қўйилди.

Фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ҳолатларига барҳам бериш бўйича зарур чоралар кўрилди. «Фуқароларимизнинг Конституцияда муҳрлаб қўйилган давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди. Бугунги кунда фуқароларимиз мансабдорлар олдига эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдига бормоқда. Бу – катта ўзгариш<sup>12</sup>. Айни вақтда кўп раҳбарлар булар ҳаммаси вақтинча, бир йиллик иш, деган хом хаёл билан юрибди. Аммо улар шуни қулоғига қуйиб олсин, кўприклар аллақачон ёниб кетган. Энди ҳеч қачон орқага қайтмайми. Профилактик ишларни амалга оширишда ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилиги ривожлантирилиб, жамоатчилик назорати

кучайтирилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик йўлга қўйилди. «Маҳалла жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айланиши керак. Бу ер одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган жой бўлиши лозим. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳудуддаги ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор бўлиши, ким нима билан машғул – ҳаммасини билиши даркор. Ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад маҳаллани кечаю кундуз одамларнинг аҳволидан хабардор бўладиган масканга айлантиришдир». «Биз ички ишлар органлари ходимларини халққа янада яқинроқ қилиш мақсадида ходимларнинг асосий қисми бевосита жойларда, керак бўлса, ҳар бир сектор ҳудудида хизмат олиб боришини таъминлашимиз керак» Дунё давлатларининг ўзига хос илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда юртимиз ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини самарали ташкил этишда ҳамда татбиқ этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Хориж тажрибасини ўрганиш жамиятни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва йўллари белгилаб олиш, башариятнинг узок тарихий тараққиёти жараёнидаги янглишувлар ва хато ёндашувларга қайта йўл қўйилишининг олдини олиш имконини беради.

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини самарали ташкил этиш бошқа мамлакатларникидан муайян хусусияти билан ажралиб туради. АҚШ ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини самарали ташкил этишда дунёда ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга бўлган давлат. АҚШ полицияси марказлашмаган тизимга эга бўлиб, рус олими Д.Д.Шалаягин буни Шимолий Америка давлатлари ҳудудидаги давлатчиликнинг тарихий шаклланиши натижаси деб ҳисоблайди ҳамда мазкур тизимнинг Европа давлатлари полиция тизимларидан асосий фарқини унинг «пастдан тепага» принципи асосида ташкил этилганида кўрсатади. АҚШда 40 мингдан ортиқ полиция идора-агентликлари мавжуд бўлиб, мамлакатда уларнинг бошқарилишини мувофиқлаштириб боровчи марказий полиция идораси мавжуд эмас. АҚШда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини самарали ташкил этиш ҳамда жиноятчиликка қарши Кураш вазифалари асосан штатларга юклатилган

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини самарали ташкил этиш мамлакатда штатлар ва маҳаллий полиция участкалари сони 18789 та бўлиб, уларнинг 13578 таси умумий тартибдаги маҳаллий полиция бўлинмалари, 3088 таси шерифлик идоралари, 49 таси штатлар бўлинмалари, қолган 1316 таси эса маҳаллий ва штатлар махсус юрисдикция бўлинмалари (порт полицияси, транспорт полицияси ва бошқ.) ҳисобланади. Мамлакатда тўлиқ иш кунда



ишлайдиган, қасамёд қабул қилган полициячилар сони ҳар 1000 нафар аҳолига 2,4 нафар, катта шаҳарларда эса 2,3 нафардан тўғри келади.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини самарали ташкил этиш учун АҚШда федерал полиция органлари, штатлар, шаҳар ва округлар полицияларини барча зарур маълумотлар билан таъминловчи жуда самарали ахборот тизими қарор топган ва фаолият кўрсатади. АҚШда жорий этилган уч бўғинли (федерал, штат ва маҳаллий даражадаги) ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида фаолият олиб боровчи полиция ходимларининг 60 % маҳаллий бўғин ҳисобига тўғри келади. Улар аҳоли билан бевосита ҳамкорликда иш олиб боради.

XX асрнинг 90 йилларида мамлакатдаги барча инновацион ресурслар жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, куйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олган: 1) ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишни таъминлаш мақсадида жамоатчиликнинг қўллабқувватлашига эришиш учун полицияни маҳаллий аҳолига яқинлаштиришга қаратилган ижтимоий йўналтирилган ишларни кучайтириш; 2) ўта оғир турдаги жиноятлар учун жазо тизимини кескин кучайтириш; 3) оммавий ахборот воситаларида мурасасизлик доктринаси бўйича «Ҳуқуқбузарлик тўхтатилиши керак, содир этилган жиноят жазоланади» тамойили юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш. Кўрилган чоралар жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи анча камайишига сабаб бўлган.

Европа давлатларида полиция органлари маъмурий ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини ташкил этиш: а) махсус ваколатга эга ҳукумат таркибидаги ижроия ҳокимият органи; б) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш субъекти сифатида иштирок этади. Европа мамлакатлари орасида маъмурий ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини ташкил этиш соҳасида яна бир ўзига хос тизим Германияда қарор топган.

Германия давлат бошқаруви тизимида полиция асосий ўринлардан бирини эгаллаб, ўз ичига Федерал ИИБ (Bundespolizei), Федерал криминал полиция идораси (Bundeskriminalamt) ва Ўлкалар ИИБлари (Landespolizei)ни қамраб олади. Ўлкалар ИИБлари Федерал ИИБнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаради, Федерал ИИБ эса субъектлар ваколатига қирадиган вазифаларга аралаша олмайди. Мамлакатда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини ташкил этиш тизими марказлашмаган бўлиб, ушбу фаолият асосан Ўлкалар полицияларининг зиммасига тушади.

Европа давлатлари орасида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини ташкил этиш соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим Францияда шаклланган. Тарихан Европанинг бошқа давлатлари сингари марказлашмаган ва ҳокимиятнинг турли институтларига бўйсунган Франция полицияси бугун ИИБ

тизимда бирлашган икки асосий марказий институт – миллий полиция ва жандармериядан иборат. Франция ИИВ ўз фаолиятини икки соҳада амалга оширади. Буларнинг биринчиси бевосита полиция фаолияти бўлса, иккинчиси ички ишлар, ижтимоий ва маъмурий соҳадаги турли кенг кўламдаги муаммоларни ҳал этишда акс этади. Шу боис, ИИВ Миллий полиция ва Жандармериянинг фаолиятигараҳбарлик қилиши билан бирга мамлакатда сиёсий партиялар ва бирлаш-маларни рўйхатга олиш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, давлатнинг фуқаро муҳофазасини таъминлаш каби бир қатор ижтимоийсиёсий вазифаларни ҳам бажаради.

Осиёда маъмурий ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини ташкил этиш соҳасида ўзига хос тизим ҳамда тажрибага эга давлат – *Япония*. Мамлакатда полиция ташкил этилган 1874 йилдан 1947 йилга қадар ИИВ марказлашган тизим сифатида шаклланган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1954 йилдаги «Полиция ҳақида»ги қонунга мувофиқ, давлат аппаратида полиция кучларига раҳбарлик ва умумий назоратни амалга ошириш вазифаси бевосита Бош вазирга бўйсунувчи Жамоат хавфсизлиги давлат комиссиясига топширилган. Жойлардаги полиция органлари эса маҳаллий префектура губернаторига бўйсунди<sup>1</sup>. Япония полициясининг ташкилий тузилиши ва фаолиятида муайян марказлашганлик мавжуд бўлиб, қонунга мувофиқ, жамоат хавфсизлиги давлат комиссияси ўз функцияларини амалда Полиция округлар бошқармасига кўрсатмалар бериш орқали бажаради.

Тизимдаги кейинги поғона ҳисобланган префектурал штаблар устидан тегишли жамоат хавфсизлиги комиссиялари билан бирга Полиция округлар бошқармаси ва маҳаллий полиция бошқармаларининг бошлиқлари раҳбарлик ва назоратни амалга оширадilar. Шунингдек, мамлакат пойтахтида бошқа префектуралар каби ўз юрисдикцияси доирасида ҳаракат қиладиган катта мустақил тузилма – Пойтахт полиция бошқармаси фаолият кўрсатади.

Ривожланган мамлакатларнинг ишлаб чиқилган профилактик чоратадбирлар тизими ўз натижасини берганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Германия ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини тизимли амалга ошириш орқали 2017 йилда жиноятчиликни камайишига эришган давлатлар орасида АҚШ (48,7 %), Италия (44,6 %), Франция (43,6 %), Буюк Британия (41,1 %), Испания (32,2 %)дан Германия 32,0 %га камайишига эришилган<sup>3</sup>.

Республикамизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доирасида олиб борилаётган сиёсатда ҳам айнан шундай тенденцияни кузатиш мумкин. Масалан, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан 2021 йилда умумий жиноятчиликни 36

%га камайтиришга эришилган бўлса, 3 минг 205 та ёки 35 %дан зиёд маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган<sup>4</sup>.

Ушбу ривожланган мамлакатларнинг амалиётини бизнинг амалиётимизга татбиқ этилиши ўз хусусиятига кўра ижобий натижа бериши мумкин. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан «Хавфсиз пойтахт», «хавфсиз шаҳар», «хавфсиз туризм» аппарат-дастурий комплекси ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам узоқ муддатга (2021–2030 йилларга) мўлжалланган «Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тизимини ривожлантириш концепцияси»ни ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудида айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган ҳавфхатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича таклиф киритади.

Шу нуқтаиназардан қараганда махсус профилактик тадбирларни ўтказишда ҳуқуқбузарлик жумладан жиноятларнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатдир.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик фаолиятини ташкил этишнинг мақсади жойларда тезкор вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарлик жумладан жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош этишдан иборатдир.

Бундан ташқари, махсус профилактик тадбирларни ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, республикадаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий криминоген вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларни самарадорлигини ошириш, диний экстремистик оқим тарафдорларини аниқлаш, паспорт тизими, республикага чет эл фуқароларининг келиши ва кетиши тартибини мустаҳкамлаш, ноқонуний равишда сақланаётган қуролларни аниқлаш ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш мақсадларида ўтказилади.



Махсус профилактик тадбирлар – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятни амалга оширишдан иборатдир.

Юқоридагиларни инобатга олиб профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирларни амалга оширишда этиборни шаҳар ва қишлоқ жойларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ўтказилиши яхшироқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ўз хусусиятларига эга бўлиб, унинг моҳиятини тўла-тўқисанглаб етиш жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси самарадорлигини таъминлаш имконини беради. ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар қонун ва қонуности ҳужжатлар билан етарли тартибга солинмаган. Бу эса ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Натижада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ички ишлар органларидаги бошқа субъектлари орасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Шу боисдан, модомики, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан қонуний асосда бир хилда амалга оширилиши талаб қилинар экан, у ҳолда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларини ишлаб чиқиш тартиби ва шартларини қонун ҳужжатлари билан белгилаш зарур. Бу борада махсус тадбирларнинг республика, вилоят, шаҳар (туман), маҳалла (қишлоқ, овул) ёки муайян шахс доирасида амалга оширилишига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўйлайманки, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг моҳияти ва хусусиятларини очиб бериш борасида илгари сурилаётган таклиф ва тавсиялар, энг аввало, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси ва унинг имкониятлари ҳақида аниқ ва объектив тасаввур ҳосил қилишга; иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини профилактиканинг бошқа турларидан фарқлашга; учинчидан, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини унинг хусусиятларига таянган ҳолда тўғри ва тизимли ташкил этишга; тўртинчидан, амалиётда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини қўллаш самарадорлигини таъминлашга; бешинчидан, қонун ва қонуности ҳужжатлардаги ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чоратадбирларини, унинг хусусиятларини белгиловчи нормаларни такомиллаштириб боришга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лех.уз (норматив ҳужжатларбазаси)
2. “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5005
3. “Ўзбекистон Республикасида интерполнинг миллий марказий бюросини ташкил этиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 29.11.1994 йил 574-сон қарори
4. <https://uz.wikipedia.org/> (Қидирув ресурслар базаси)
5. 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сон Фармони
6. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маърузаси
7. 2021 йил 30 ноябрь “Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг юридик йўналишдаги билимларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тоъғрисида”ги қарори
8. “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5005